O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 2 февраль, № 22 (4937) Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10-12 февраль кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## БАҲРАЙНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ ТАҚДИМОТИ

***Баҳрайн давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” ва “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларининг тақдимоти ўтказилди.***

Тақдимотда Баҳрайн давлат университети профессор-ўқитувчилари, олим ва сиёсатчилар, иқтисодчилар, тарихчилар ҳамда университет талабалари ва журналистлар иштирок этишди. Тадбир қатнашчилари мазкур асарларнинг асосий мазмун-моҳияти билан яқиндан таништирилди.

Тадбирда сўзга чиққан **университет вице-президенти Али Мансур ал-Шиҳаб** сўнгги йилларда Баҳрайн билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётганини юқори баҳолади. У “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари билан танишиш баробарида, биз мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳамда фан-таълим соҳаларининг ривожланиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўламиз”, дея таъкидлади.

**Биз ва дунё**

Унинг сўзларига кўра, иккала асар ҳам уларда кўтарилган муаммоларга нисбатан давлат раҳбарининг ҳар тарафлама қарашларга эга эканини акс эттиради. “Ушбу асарлар нафақат Баҳрайнда, балки тарихий, диний, маънавий, маданий жиҳатдан халқларимиз ўртасидаги муштаракликнинг кўплиги ҳамда олимлар ва мутахассисларнинг ўзбек халқининг бугунги ҳаётига бўлган муносабатини инобатга олган ҳолда, бошқа араб давлатлари китобхонларида ҳам катта қизиқиш уйғотади”, деди у.

**Университет президентининг ахборот масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳассан Юсуф ал-Шиҳаб** “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюсида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини таъкидлади.

— Ушбу асар катта илмий-ахборот хусусиятига эга бўлган маълумотни ўз ичига олган бўлиб, ўзида ўзбек халқи маънавиятининг шаклланиш ва тикланиш жараёнларининг тарихий босқичларини ҳар томонлама акс эттиради. Ўқувчининг кўз ўнгида жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган ва дунёга Имом ал-Бухорий, Термизий, Мотуридий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Беруний, ибн Сино каби кўплаб етук олимларни берган Мовароуннаҳр халқининг бутун тарихи гавдаланади. Бу — қаршисида Ер юзининг барча даҳолари бош эгадиган ва барча мусулмон уммати фахрланадиган меросдир.

**Университетнинг Касбга йўналтириш бюроси директори Маҳмуд ал-Анайсий** Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни анъанавий ахлоқий қадриятлар ва замонавий илмий ютуқлар тамойиллари асосида ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини алоҳида қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

## Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ярмаркаси

***Урганч шаҳрида вилоят озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.***

**Яхши хабар**

Унда вилоятдаги 80 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари ўзларининг 800 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди.

Икки кун давом этган ярмаркада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва улгуржи савдо корхоналари ўртасида умумий қиймати 17,6 миллиард сўмлик 421 та шартнома имзоланди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚАДРИЯТ, ЭЪТИРОФ ВА ФАРОВОНЛИК

***Юртимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

***Мустақиллик йилларида юртимизда ҳунармандлар фаолияти қўллаб-қувватланаётгани, уларга кўплаб имтиёзлар берилаётгани туфайли чиннисозлик жадал ривожланмоқда. Соҳага хорижнинг замонавий асбоб-ускуналари жалб этилаётгани маҳсулотни саноатлашган усулда катта ҳажмда ишлаб чиқариш имконини бераётир.***



**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Сифатли тайёрланган маҳсулотларга ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. “Turon Porcelain” ёрлиғи остида чиқарилаётган маҳсулотлар шулар сирасига киради. Шу боис хусусий тадбиркор Ботир Султонов бошлиқ ушбу корхона чинни буюмларининг асосий қисми Россия, Исроил ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Пойтахтимиздаги мазкур корхона ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда ўтган йилдан бошлаб маҳсулот чиқариш йўлга қўйилган эди. Шу қисқа муддат ичида “Оқ олтин”, “Товус”, “Атлас”, “Қора шаҳзода” ва “Шоҳона” тўпламларини тайёрлаш ўзлаштирилди. Айни пайтда корхонада ушбу тўмламларга кирадиган чойнак, пиёла, коса, лаган сингари жами 400 хилдаги рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилаяпти. Уларнинг сифати юқорилиги боис ички ва ташқи бозорда тобора харидоргир бўлиб бораяпти. 2009 йилда 40 миллион сўмлик чинни буюмлар мижозларга етказиб берилгани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда).

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

**Президентимизнинг “Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маърузасини ўқиб…**

***Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатларни, жумладан, ривожланган давлатларни танг аҳволга солиб қўйди. Халқаро экспертлар ва иқтисодчилар ўз таҳлил ва хулосаларида инқирознинг дунё мамлакатлари иқтисодиётига оғир таъсири тобора пасайиб бораётганини қайд этса-да, аксарият давлатларда ишсизлар сони ҳамон ошаётгани, аҳолининг харид қобилияти эса пасайиб, донғи чиққан компаниялар ўз корхоналарини ёпаётгани ҳақидаги хабарлар камаймаётир.***

***Мана шундай мураккаб шароитда юртимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суръатлари изчил давом этмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримов 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши чоралар дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, халқимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришганини алоҳида таъкидлади.

2009 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди. Аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли ошди, харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, қурилиш индустриясини жадал ривожлантириш, замонавий инновация ва ахборот технологияларини ҳаётга татбиқ этиш, янги-янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бошқа соҳалардаги бетимсол ютуқларимизни жаҳон иқтисодий ҳамжамияти катта ҳайрат ва қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Буни Ўзбекистон иқтисодиётига хорижлик нуфузли экспертлар, турли халқаро тузилмалар томонидан берилган холис баҳолар ҳам яққол тасдиқлайди.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонда, МДҲнинг аксарият мамлакатларидан фарқли ўлароқ, 2009 йилда иқтисодий ўсиш суръати сақланиб қолишини ва бу борадаги кўрсаткич Ҳамдўстликда энг юқори бўлишини таъкидлаган эди. Айни чоғда ХВЖ Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чораларини минтақамиздаги энг самарали дастур, деб баҳолади.

Кутилганидек, 2009 йил якунларига кўра, Ўзбекистон МДҲда энг юқори иқтисодий ўсишга эришди. МДҲ давлатлараро статистика қўмитаси эълон қилган маълумотлар таҳлил қилинса, ўтган йили Ҳамдўстликда иқтисодий ўсиш қайд этилган камсонли давлатлар билан солиштирганда ҳам мамлакатимиз эришган натижа сезиларли даражада юқоридир.

— Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт модели жаҳонда кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда ва ҳақли равишда эътирофга сазовор бўлмоқда, — деди Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа ва Марказий Осиё масалалари Департаменти директорининг ўринбосари Чжан Ханьхуэ. — Ўзбекистоннинг ўз ривожланиш йўли нақадар тўғри танлангани ва пухта ишлаб чиқилгани жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада яққолроқ намоён бўлаётир. Бу ютуқларнинг бош омили, менимча, иқтисодий ривожланиш йўлининг Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилгани ва уни амалга оширишнинг пухта ташкилий-ҳуқуқий тизими яратилгани ҳамда ислоҳотларнинг тадрижий, босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётганидир. Қисқа муддат ичида Ўзбекистонда саноатнинг янги-янги тармоқларига асос солинди, инфраструктураларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Инқирозга қарамай, Ўзбекистон жаҳондаги камсонли давлатлар қаторида юқори иқтисодий ўсишга эришгани таҳсинга сазовордир.

Бундай муваффақиятлар, эътирофлар барчамизга мамнуният ва чексиз фахр-ифтихор бағишлайди. Зеро, юқорида қайд этилган маълумотлар, рақамлар, билдирилган фикрлар шунчаки айтилган гаплар эмас. Уларнинг замирида халқимизнинг эзгу орзуси — буюк давлатни барпо этиш, авлодларимизга озод ва обод Ватан қолдириш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши каби эзгу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси мужассамдир.

Эришган ютуқларимизнинг омиллари ҳақида гапирганда, халқимизнинг эртанги кунга, танлаган йўлимиз тўғри эканлигига бўлган қатъий ишончи ва шу йўлда собитқадамлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Зотан, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги беш тамойилнинг моҳиятини ўша даврда жаҳонда ҳамма ҳам теран англаб етмаган эди.

Ўзбекистон ўша пайтда айрим «доно» маслаҳатчиларнинг иқтисодиётни тезроқ эркинлаштириш зарурлиги ҳақидаги пуч тавсияларини қатъий рад этди, бозор иқтисодиёти ўз-ўзини тартибга солади ва бошқаради, деган ақидага мутлақо ишонмади. Иқтисодиёти ўтиш даврига ҳали мослашмаган ва аҳолиси бозор муносабатларига тайёр бўлмаган бир пайтда кўплаб давлатлар иқтисодиётини «фалаж қилиб даволаш» усули орқали зўр-зўраки либераллаштиришга тушиб кетганида, Ўзбекистон етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесди — ислоҳотларни ижтимоий йўналтирган тарзда босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан борди.

(Давоми 2-бетда).

Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий ўқув-семинари бошланди.

# МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВ-СЕМИНАР

**Ҳокимлар ўқуви давом этмоқда.**

Мазкур семинарнинг асосий мақсади маҳаллий ҳокимият органлари раҳбар кадрларининг сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги малакасини ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган устувор вазифаларни бажаришда уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишдан иборат. Семинар ишида республикамизнинг етакчи олим ва профессорлари билан бирга, турли соҳа мутахассислари, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этмоқда.

Машғулотлар бошланишида тингловчилар учун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг видеотасвири намойиш этилди. Семинарнинг дастлабки иш кунида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳамда унинг бажарилишини таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти, унинг маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларининг муҳим хусусиятлари мавзуларида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

**Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг сифати ва таъсирчанлигини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.**

# ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Бу соҳа учун малакали ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг билим-кўникмаларини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Баркамол авлод йили: ёш журналистлар доимий эътиборда” мавзуидаги медиафорумда мазкур масалалар атрофлича муҳокама этилди. Тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги ҳудудий нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари, вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

***2009 йил якунларига кўра, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши***

**8,1 фоизни ташкил этди.**

Айни шу ижобий кўрсаткич, таъкидлаш жоизки, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойилига асосланган ва республикамизда танланган иқтисодий йўл тўғрилигининг яна бир исботи бўлди.

# БАҲРАЙНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги дунёда, глобаллашув шароитида ёш авлодни тарбиялаш масаласи ҳар бир мамлакатнинг келгуси тақдирини белгилаб берувчи муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ва бошқа кўплаб дастурларнинг изчил амалга оширилиши, ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш ва интеллектуал ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан дарак беради. Бу юксак баҳога ва таҳсинга сазовор бўлиб, ўрнак олса арзийдиган мисолдир, — деди Маҳмуд ал-Анайсий.

У, шунингдек, "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари нафақат Ўзбекистон Президентининг ёш авлодни маънавий етук шахс қилиб тарбиялаш борасидаги концептуал қарашини, балки унинг "янги дунё тартиби" шароитида мамлакатнинг келгуси тараққиётига бўлган жонкуярлигини ифодалашини ҳам қайд этди.

**Баҳрайн Савдо-саноат палатаси бошқаруви раиси ўринбосари Шариф Муҳаммад Аҳмадий**нинг фикрига кўра, дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ягона концепцияси мавжуд бўлмаган бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асари ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий меъёрлари ва қоидалари мажмуасидир. "Бу, ўз навбатида, бизнинг жамият учун ҳам талаб этилади. Зеро, биз сўнгги йилларда гувоҳи бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва бошқа сиёсий омиллар халқаро миқёсдаги ижтимоий қатламда юз бераётган салбий жараёнларни кескин кучайтириб юборди", дея таъкидлади у.

— Мен Ўзбекистон Президентининг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўз оиласи, ўз хонадонини авайлайдиган, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайман. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асари ёш авлодни тарбиялаш масаласига янада жиддийроқ муносабатда бўлишга қаратилган даъватдир, — деди у.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китоби ҳақида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашар экан, **Баҳрайн инвесторлар маркази раиси Муҳаммад Абдулла ал-Аҳмадий** ушбу асарда Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели тамойиллари кенг очиб берилгани, унинг амалийлиги ва ҳаётийлиги кўрсатилганини таъкидлади.

— Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва бунда давлатнинг бошқарувчилик ролини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш — буларнинг барчаси мамлакатга мустақилликнинг илк йилларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммоларни муваффақиятли енгишга, жамиятнинг долзарб муаммоларини ижобий ҳал этишга ва бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида эътиборли кўрсаткичларга эришишга имкон берган тамойиллардир. Ўзбекистон Президентининг оқилона сиёсати туфайли мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, унинг барча йўналишлардаги илғор ривожланишига олиб келди. Бунга ёрқин мисол — китобда келтирилган расмий статистик маълумотлардир. Улар танланган йўлнинг тўғрилигига очиқ-ойдин далил бўла олади.

**Иқтисодчи-журналист Фадил ал-Мўъмин** ҳам бу борада ўз фикрини билдириб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг зарур иқтисодий база ва ижтимоий инфратузилмани яратиш, стратегик вазифаларни амалга ошириш ва қўйилган мақсадларга эришиш борасида узоқни кўра билиши — жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакат иқтисодиётининг жадал ўсишида ҳамда инқироз оқибатларини муваффақиятли енгишда ва барқарор ривожланиш суръатларини сақлаб қолишда муҳим омил бўлганини қайд этди.

Тақдимот доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" ва "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарлари Баҳрайн давлат университети кутубхонасига топширилди ва тадбир қатнашчиларига тарқатилди.

**«Жаҳон» АА.**
Баҳрайн

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Спортдан хабардор киши узоқ масофага югурганда, бор кучини бирданига сарфлаб қўйса, манзилга кеч етиб боришини жуда яхши билади. Одатда, ўз олдига қўйган мақсадини теран тасаввур этадиган ва унга эришиш йўлини пухта ишлаб чиққан, куч ва имкониятларини бутун масофа бўйлаб тўғри тақсимлай олган, мавриди келганда ва муваффақият қозонишга кўзи етганда қадамини тезлата оладиганларгина яхши натижага эришади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимиз танқидларга дучор бўлганига қарамай, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур, деган тамойилдан ҳеч қачон воз кечмади. Бугунги инқироз даврида кўплаб мамлакатларда хонавайрон бўлган банк ва суғурта компаниялари давлат тасарруфига ўтказилгани танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон намоён этаётган иқтисодий ўсиш суръатларига иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, янги тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, фаол сармоявий сиёсат туфайли эришилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳисобга олинган ҳолда, 2008 йилнинг ноябридаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишга киришилди. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш, электр энергетика тизимини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия истеъмолини камайтириш, ички бозорда талабни рағбатлантириш ушбу дастурнинг асосий йўналишларидандир.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ҳамда бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, Наманган вилоятидаги "Косонсой-Текмен" қўшма корхонаси банкрот деб эълон қилингач, молия муассасаларининг кўмаги билан "Косонсой тўқимачи" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Киритилган 210 миллион сўмлик инвестиция ҳисобидан ишламаётган технологик линия, қозонхона, сув насослари ва бир қатор электрон жиҳозлар таъмирдан чиқарилди. Ҳозир бу ерда маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, шунингдек, гилам ҳамда трикотаж иплари тайёрланмоқда. Улар тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарга етказиб берилаётир. Айни пайтда корхонада 165 киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда сўнгги олти ойда 460,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шу биргина мисолни таҳлил қилиб кўрайлик. Корхона қаддини қайта тиклагач, 165 киши иш билан таъминланган, камида ана шунча оиланинг рўзғорига барака кирди, қўшимча даромадга эга бўлди. Бу, табиийки, уларнинг ҳаёт тарзига, дунёқарашига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Яна бир томони, корхона фаолияти йўлга қўйилиши натижасида унга хом ашё етказиб бера бошлаган Тошкентдаги жун тайёрлаш корхоналари, "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Бу ҳам қўшимча ишчи ўрни, қўшимча даромад деганидир. Учинчи яна бир муҳим жиҳати, "Косонсой тўқимачи"нинг ҳамкорлари саналган Поп шаҳридаги "РАУ-Томь" қўшма корхонаси, Марғилон шаҳридаги гилам тўқиш корхонаси каби тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар сифатли хом ашё ва яримтайёр маҳсулотларни хорижий валютага эмас, миллий валютамизда нисбатан арзон нархларда сотиб ола бошлади. Бу эса ўз-ўзидан мазкур корхоналарда маҳсулот таннархини сезиларли даражада арзонлаштириш имконини беради.

Ўтган йили юртимизда банкрот деб эълон қилинган корхоналарнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди. Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари давом этмоқда.

Мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар пировард натижада банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча равишда 17 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида кенг кўламли ишларнинг амалга оширилаётгани импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Биргина Андижон вилоятидаги ўттиздан ортиқ корхонада мазкур дастур ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Яқинда Шаҳрихон туманида дастур асосида "Sdk group and" корхонаси иш бошлади. Юздан зиёд киши иш билан таъминланди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада асакалик автомобилсозларга ёнилғи, мой, ҳаво фильтрлари сингари бутловчи қисмлар етказиб берилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, бир суткада бир ярим мингга яқин ёнилғи, беш мингдан зиёд мой ҳамда 2 ярим мингта ҳаво фильтри тайёрланади.

Умуман, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2009 йилда юртимизда 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди ва бу маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилга нисбатан 2,3 баробар оширишни таъминлади. Нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобилсозлик учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, қарийб 2 мингта янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини ўтган йилга нисбатан 40 фоиз ўсишини, бу йўналишда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши камида 12 фоизни ташкил қилишини таъминлаш белгиланди.

Инвестицияларни жалб этиш Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим йўналишига айланди. Биргина Жиззах вилояти мисолида оладиган бўлсак, ўтган йили воҳада 16 лойиҳа бўйича умумий қиймати 20,1 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция жалб этилди.

Ғаллаорол туманида йилига 1,2 минг тонна томат пастаси ишлаб чиқариш қувватига эга «Sogda tomat konserva» масъулияти чекланган жамияти, Жиззах туманида йилига 4 минг тонна сут соғиб олинадиган чорвачилик комплекси, Жиззах шаҳрида истеъмол бозорига йил давомида 350 минг погон метр мебель қопламалари етказиб берувчи «Эталон — Сангзор» Ўзбекистон — Туркия — Хитой қўшма корхонаси ҳамда полимер қувурлар тайёрлашга ихтисослашган «Sogdiana Pipe plast» шўъба корхонаси ишга туширилди.

Инвестицияларнинг маҳаллий хом ашё асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти кенг бўлган енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик, мева-сабзавотни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларига йўналтирилаётгани хорижлик сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жиззах шаҳридаги «Forij textile» масъулияти чекланган жамияти Англиянинг «Patrolla Wold wide» компанияси билан ҳамкорликда йилига 2,1 минг тонна калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳани амалга оширди.

Ҳудудий инвестиция дастурида белгиланган қувватларнинг ишга туширилиши вилоят иқтисодиётининг ўсишига, аҳолининг бандлик даражаси ошишига хизмат қилмоқда. 2009 йил якунига кўра, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 300 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Гап инвестиция ҳақида борар экан, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга, стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ғоят катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, илгари мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми яшайдиган, йирик-йирик ишлаб чиқариш объектлари жойлашган Фарғона водийсига электр энергияси, табиий газ қўшни мамлакат орқали етказиб берилар эди. Бу мамлакатдаги ҳаддан зиёд ички муаммолар Фарғона водийсини ва юртимиз жанубидаги бир қатор туманларни электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз ва ишончли таъминлаш вазифасини хавф остига қўяётган эди. Эндиликда бу ҳудудларга ёруғлик ва иссиқликни ўзимиз бунёд этган тармоқларимиз орқали етказиб берамиз.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес корхоналарига солиқ солиш даражаси изчил камайтириб борилмоқда, уларга хом ашё ва маҳсулотни сотиш бозорлари, кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш учун беқиёс имкониятлар яратилди, рўйхатга олиш тартиби ва фаолиятини бошлаш жараёнлари осонлаштирилди, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилди, солиққа тортиш тизими соддалаштирилди. Соҳа ривожи йўлида яратилган қулай муҳит ва қайд этилган рағбатлантирувчи омиллар кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 50 фоиздан ошириш имконини бермоқда.

Лўнда қилиб айтганда, иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ҳал қилувчи ўринга чиқмоқда. Шу боис 2010 йилда мазкур соҳага кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланмоқда.

Президентимиз ишлаб чиққан машҳур беш тамойилнинг бири кучли ижтимоий ҳимояга қаратилган. Ўзбекистон мураккаб ўтиш даврининг бошиданоқ аҳолини ҳимоя қилиш бўйича кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойилига қатъий риоя қилиб келмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда бозор ислоҳотлари шароитида ҳимояга муҳтож оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг яхлит тизими яратилди.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган бошқа мамлакатлар ўзларининг табиий ресурсларини хусусийлаштириб ва хорижий сармоядорларга сотиб, табиий ресурслар учун юқори нархларда олинган маблағларни хорижий давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришга сарфлаган бир пайтда, Ўзбекистон барча мавжуд ресурсларини ўз иқтисодиётини юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, буюк келажагимизни таъминлашнинг бош мезони бўлган инсон омилини ривожлантиришга йўналтирди.

Юртимизда 1997 йилдаёқ собиқ иттифоқ ҳудудида биринчи бўлиб касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қуриш ҳамда уларни замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозлаш дастурини ўз ичига олган кенг кўламли Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, 2004 йилдан бошлаб эса Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишга киришилди ва ўтган йили бу дастурлар ижроси амалда ниҳоясига етказилди.

Мамлакатимиз туманларида ҳам замонавий жиҳозланган шошилинч тиббий ёрдам тизими янгитдан ташкил этилди. Соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг бундай узоқни кўзлаган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси аҳоли турмуш даражасининг асосий ижтимоий кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топаётир. Мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умри йилдан-йилга узайиб бормоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш жараёнларини маънавий покланиш, маънавий юксалиш билан уйғун равишда тараққий эттириб боришга доимий эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўшқанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади".

Халқимиз дуога қўл очса, Яратгандан юртимизга тинчлик, халқимизга соғ-омонлик, фарз[illegible]ларимизга бахт-саодат тилайди. [illegible]гун қувониб сўзлаганларимиз — эли[illegible]нинг ана шу тилаклари иж[illegible]у неъматлар мудом элимизга эш, йўлимизда йўлдош бўлаверсин!

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ҚАДРИЯТ, ЭЪТИРОФ ВА ФАРОВОНЛИК

***Юртимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мутахассисларнинг айтишича, чиннининг сифати унинг таркиби ва ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ. Негаки, чинни махсус тупроқ, яъни чинни гили, каолин, кварц, дала шпати сингари ўнга яқин хом ашёлар аралашмасидан тайёрланади. Қоришма буюм ҳолига келгунига қадар беш марта пиширилади. Рўзғорда ишлатиладиган чиннилар, яъни қаттиқ чиннилар эса 1450 даража ҳароратда пишади. Шундан сўнг сирланиб, бўялиб, гуллар солинади ва зар билан жилолантирилади.

— Бу жараён устадан метин иродани талаб этади, — дейди корхона раҳбари Ботир Султонов. — Шунинг учун бу ерга ишга келганлар дастлаб тажрибали ҳунармандларга шогирд тушади, кунт билан соҳа сир-асрорларини ўрганади. Бугунги кунда жамоамизда чиннисозлик касбини пухта ўзлаштирган 30 нафар ёш меҳнат қилаяпти.



Улар кунига 1000 дона маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Чиннига иқтисодиётимиз тармоқларида ҳам эҳтиёж ниҳоятда катта. Негаки, улар кислоталарга чидамлилиги боис кимё саноатида, электр ўтказмаслиги туфайли радиотехника ва электротехника, шунингдек, қурилиш ишларида бадиий безакларда кенг фойдаланилади. Ҳозирги кунда корхонада фақат уй-рўзғор буюмлари тайёрланмоқда. Жорий йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилади.

Шу мақсадда чинни заводида қурилиш ишлари жадал олиб борилаяпти. Шу тариқа бу ерда тизимли равишда ишлаб чиқариш қўлга қўйилади.

Айтиш жоизки, дунёда чинни ишлаб чиқарувчи давлатлар кўп. Лекин ўзбек чиннисига талаб ҳар доим юқори бўлиб келган. Бу унинг юксак сифати, чидамлилиги билангина изоҳланмайди. Бунинг яна бир сабаби шундаки, улар юртимизгагина хос бўлган гул ва безаклар билан жилоланади. Пахта гулли ёки атлас нусхали буюмми, албатта, у Ўзбекистонга тегишли бўлади. Бундай ёрқин тасвирли идишларни кўрган хорижликларнинг кўзи чақнаб кетади. Зотан, уларда ҳунармандларимизнинг қалб қўри, қайноқ тафти мужассам.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган суратлар.**

# МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВ-СЕМИНАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинарда Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг, ташқи сиёсат ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор вазифалари, шунингдек, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар каби мавзуларда машғулотлар олиб борилади.

— Яхши анъанага айланган мазкур ўқув-семинар раҳбар кадрларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги билим ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Деҳқонобод тумани ҳокими Абдишукур Омонов. — Семинар машғулотлари дунёда ва республикамизда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар, янгиланишлар, шунингдек, жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, молиявий-иқтисодий инқироз сабаблари, унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш борасидаги долзарб вазифалар моҳияти билан янада яқинроқ танишиш имконини беради. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, улардан таълим, бошқарув ҳамда иқтисодиёт тармоқларида кенг фойдаланиш, баркамол авлодни тарбиялаш, қишлоқларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий уй-жойлар ва ижтимоий объектлар қурилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, миллий ғоя тарғиботи, ёшлар тарбияси каби қатор долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани семинар қатнашчилари фаолиятида ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Семинарнинг юқори савияда ўтиши, иштирокчиларнинг интернет, кундалик матбуот нашрлари ва тарқатма материаллар билан танишиши учун барча шарт-шароит яратилган. Машғулотлар мулоқот ва давра суҳбати тарзида ташкил этилмоқда. Тингловчиларнинг семинар материалларини пухта ўзлаштиришини таъминлаш мақсадида тест синовлари ўтказиб борилаётир.

Минтақавий ўқув-семинарнинг очилишида Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайниев сўзга чиқди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ОИЛА – МАЪНАВИЯТ ВА МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

***Халқимизнинг энг эзгу орзуси фарзандлар камолини кўриш, маънан етук авлодни тарбиялаб вояга етказишдир. Биламизки, ушбу мақсаднинг рўёбга чиқишида оиланинг аҳамияти беқиёс.***

***Оилаларда соғлом муҳитни, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, маънан ва жисмонан баркамол фарзандларни тарбиялаш асосий мақсад-муддаоларимиздан экан, демак, бу борадаги эзгу ишлар ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир йилимиз, амалга ошираётган хайрли саъй-ҳаракатларимиз мисолида ўз ифодасини топмоғи керак.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Шу маънода Президентимиз ташаббуси билан 1998 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилинганлиги ва ушбу йилда амалга оширилган ибратли чора-тадбирлар бугунга қадар изчил давом эттирилаётгани, аҳоли ижтимоий муҳофазасига қаратилган ушбу эзгу ташаббуслар ўз самарасини бераётганлиги барчамизни қувонтиради.

Бугунги кунда "Оила" илмий-амалий маркази ҳам юртимизда олиб борилаётган шу каби хайрли ишлар кўламини кенгайтиришга ҳисса қўшаётир. Хусусан, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан жамиятнинг асосий бўғинини мустаҳкамлаш, кенг жамоатчилик, айниқса, ёш оилаларда тиббий ва ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш бўйича илмий-амалий кўмак маркази сифатида фаолият олиб бормоқдамиз. Марказимиз мутахассислари мазкур йўналишларда илмий ҳамда амалий фаолият юритиш асносида республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, турли вазирликлар ҳамда ёшлар ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, мутахассислар учун семинар-тренинглар ташкил этиш, оила муаммоларини ўрганиб, унинг ечимини топишга қаратилган янгича лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш каби юмушлар ушбу ҳамкорлик самарасидир.

Ёш авлод онгу шуурига бебаҳо миллий қадриятларимизга хос гўзал фазилатларни сингдиришнинг аҳамияти беқиёс эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Бу каби инсоний хислатларни бола қалбига чуқур сингдиришда эса ота-она меҳри ва эътибори, оиладаги илк тарбия муҳим роль ўйнайди. Шу боис ўтган йили марказимиз ташаббуси билан яхши бир анъанага асос солинди. Яъни "Оила" илмий-амалий маркази қошида "Алла уйи" маънавий-маърифий маркази фаолият бошлади. Момолардан мерос алла куйи орқали мурғак қалбга меҳр, вафо, садоқат ва мардлик сингари асл қадриятларни сингдириш мақсадида фольклоршунос олима Мунаввара Ёқуббекова бошчилигида турли халқларнинг миллий куй-қўшиқлари, ўзбекона лапар ва ўланлар бир ерга жамланди. Эндиликда бу ерда ёш оналар мактаби иш олиб бормоқда.

Марказимиз қошида оилашунос тадқиқотчи ва кадрлар тайёрловчи аспирантура мавжуд. У педагогика ва ижтимоий психология йўналишларида тадқиқотчилар тайёрлайди. Бугунги кунда ёш олимларимиз яратган илмий рисола ва мақолалар халқаро илмий-амалий анжуманларда эътибор қозонаётганлиги, эътироф этилаётганлиги юртимизда оила институтининг ибрат бўлса арзигулик, ўзига хос тамойиллари шаклланганлигидан дарак беради. Кейинги йилларда оилашунос мутахассисларимиз МДҲ мамлакатларида бўлиб ўтаётган нуфузли йиғинларда иштирок этиб, ҳаётга татбиқ этилаётган янгича лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини хорижлик мутахассисларга кенг таништирмоқдалар. Зеро, бугунги кунда юртимиз миқёсида амалиётга татбиқ этилаётган мазкур лойиҳалар миллий хусусиятга эга бўлиши билан бирга, глобал муаммоларнинг ечимини топишга қаратилганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Яқинда "Гиёҳвандликка қарши кураш чора-тадбирларини оилавий муҳитда шакллантириш ва ОИТС хасталикларининг олдини олиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш" деб номланган лойиҳа доирасида айрим оилалардаги гиёҳвандликка ружу қўйиш, ОИТС хасталигига чалиниш ҳолатларининг мониторинги ўтказилди. Асосий мақсад бундай аянчли оқибатларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш ва шу асосда келгусидаги тадбирлар режасини белгилаб олишдан иборат эди. Тошкент шаҳри ҳамда Наманган вилояти миқёсида олиб борилган сўровнома ва тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бундай салбий ҳолатлар, асосан, оиладаги тарбиявий муҳит носоғломлигининг оқибатидир.

Бу борада, айниқса, ота-оналар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Айни пайтда ота-оналарнинг ҳуқуқий, тиббий ҳамда психологик билимларини бойитишга қаратилган қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, ўтган йили Фарғона водийси вилоятларида ёш оилалар, кам таъминланган хонадонлар, никоҳланувчи шахсларнинг ижтимоий аҳволи, вояга етмаганлар билан ишлаш жараёнлари ўрганилганда, ёшларнинг маънавий тарбияси, ҳуқуқий онги ва тиббий маданиятини юксалтириш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Зеро, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш йўлидаги бугунги саъй-ҳаракатлар ёруғ келажагимизни, фарзандларимизнинг истиқболини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

**Васила КАРИМОВА,**
**«Оила» илмий-амалий**
**маркази директори.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Лондонда Афғонистонга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.***

***"Би-би-си" телеканали хабарида айтилишича, унда жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакати вакиллари иштирок этди.***

### Афғон дарди – олам дарди

Конференция ишида Афғонистонда терроризмга қарши кураш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий аҳволни тиклаш, халқаро муносабатларни ривожлантириш каби масалалар кўриб чиқилди.

Конференцияда таъкидланганидек, афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бундай сиёсатга, аввало, Афғонистон ҳукумати тарафдор. Вазиятни ўнглаш учун мамлакатдаги "Толибон" ҳаракати ва бошқа қарши кучларнинг мамлакат конституциясига риоя этишларига эришиш лозим.

### Пуллар сохта чиқди

***АҚШнинг Жоржиа штатида яшовчи Тай Кайкендал исмли фуқаро яқинда харид қилган машинадан 200 минг АҚШ доллари топиб олди.***



"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, бу машина 2006 йилдан бери полиция маҳкамасининг жарима майдончасида турар экан. Ўтган тўрт йил мобайнида автомобиль эгаси топилмагач, у сотувга қўйилган.

Тай Кайкендал маблағни полиция идорасига олиб боргач, бу пуллар сохта эканлиги маълум бўлди.

### Сичуанда зилзила

***Хитойнинг Сичуань музофотида зилзила содир бўлди, дейилади "AFP" ахборот агентлиги хабарида.***

Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,2 баллни ташкил этган. Табиий офат маркази Суйнин шаҳридан 36 километр жануби-шарқда қайд этилган. Ҳозирча талафотлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йилнинг май ойида ушбу музофотда кузатилган 8 балли зилзила туфайли қарийб 87 минг киши ҳаётдан кўз юмганди.

### Поездлар ҳам тўхтаб қолди

***Дам олиш кунлари Германияда ёққан қалин қор аҳолига кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарди.***

"BBC News" хабарига кўра, табиат инжиқликларидан, айниқса, автотранспорт эгалари жиддий зарар кўрган. Хусусан, мамлакатнинг Шимолий Рейн-Вестфалия ҳудудида бир кеча-кундуз мобайнида 300 та йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлган.

Гамбург ва Ростокда тезюрар поездлар ҳаракати ҳам тўхтатилган. Бу ерларда қорнинг қалинлиги 30 сантиметрдан ошган.

### Анжуман ниҳоясига етди

***Швейцариянинг Давос шаҳрида 40-Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми ўз ишини якунлади.***

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, жаҳоннинг 2500 нафар бизнесмен ва сиёсатчиси қатнашган мазкур тадбирда 200 дан ортиқ мажлислар ўтказилди. Уларнинг кун тартибидаги асосий масала молиявий-иқтисодий инқироздан кейин дунё иқтисодиётини тиклаш мавзуси бўлди.

Ажабланарлиси, 40-Бутунжаҳон иқтисодиёт форумида ҳеч қандай муҳим келишувлар имзоланмади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***25 январь куни Парижда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонаси ва мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси «Марказий Осиё уйи» («La Maison d'Asie Centrale») ассоциацияси ҳамкорлигида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди.***

# ПАРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Тадбирда Франциянинг сиёсий, парламент, ишбилармон, маданий-гуманитар доиралари ва оммавий ахборот воситалари, хорижий давлатлар дипломатия корпуслари, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили Л. Каримова Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида маълумот бериб, мамлакатда хорижий сайёҳлар учун яратилган шароитлар ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар хусусида тўхталди. Маърузада таъкидланганидек, инсоният тамаддунининг бешиги ҳисобланган Ўзбекистон азалдан Шарқ билан Ғарб ўртасидаги кўприк вазифасини ўтаб келган. "Буюк Ипак йўли" бўйлаб жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарлар ўзаро маданиятлар, тил, урф-одат ва анъаналар алмашинувида муҳим аҳамият касб этган.

Ўзбек халқи бой илмий-тарихий ва маданий-маънавий бойликка эга. Бизнинг буюк аждодларимиз дунё тамаддуни ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган. Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Муҳаммад ал-Хоразмий каби мутафаккирлар номи бутун дунёда машҳур.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайёҳликнинг янги йўналишлари шакллантирилди, замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, қадимий тарихий ёдгорликлар ва муқаддас зиёратгоҳлар реставрация қилинди ва ободонлаштирилди. Қулай географик жойлашув, замонавий транспорт-коммуникация инфратузилмаси туризм саноатини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат, турли дин вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Мамлакатда тинчлик, барқарор ижтимоий-иқтисодий вазият, замонавий жамиятда муҳим ва боқий қадрият саналадиган, хорижий сайёҳларни янада кўпроқ жалб этишга қулай шароит яратадиган диний бағрикенглик ҳукм сураётгани таъкидланди.

Маросимда ўзи суратга олган, юртимиз жамолини акс эттирувчи ранг-баранг фотосуратларни намойиш этган **Франциянинг «La Maison d'Asie Centrale» маданиятшунослик ассоциацияси директори Сильви Лассер** сўзга чиқиб, Ўзбекистон франциялик ва европалик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотишига ишончи комил эканини қайд этди.

Унинг сўзларига кўра, тарих дурдоналари саналган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари орқали ўтадиган анъанавий сайёҳлик йўналишлари қаторида, улар билан тенг тарзда ривожланаётган қишлоқ туризмига эътибор қаратиш керак. Ўзбекистон фавқулодда ранг-баранг, хусусан, тўй, кўпкари, рақслар, мусиқа, фестиваллар каби урф-одат ва анъаналарга эга.

С. Лассернинг фикрича, Ўзбекистон пойтахтининг қизғин маданий ҳаёти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Тошкентда анъаналар ва замонавийлик ўртасидаги мутлақ уйғунликнинг гувоҳига айланиш мумкин.

«Ўзбекистонликлар жуда оддий ва киришимли, хайрихоҳ ва меҳмондўст. Мен ушбу мамлакатда кўплаб дўстлар орттирдим, анъана ва урф-одатлар билан танишдим, — дейди жумладан у. — Ишониш қийин, бироқ мен айнан Ўзбекистонда, бу ерда, Францияда қарийб йўқолиб кетган анъаналар ҳақида кўп нарсани ўргандим.

**Дунё нигоҳи**

Буларнинг барчаси ушбу минтақа, хусусан, Ўзбекистон маданияти ва анъаналарини Францияда анжуманлар, концертлар, кўргазмалар ва учрашувлар ўтказиш, китоблар нашр этиш орқали кенг тарғиб қилиш учун Марказий Осиё уйини ташкил этишимга туртки бўлди».

Тақдимот маросимида Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб сайёҳлик йўналишлари ҳақида Самарқандда фаолият юритадиган **«Karavan Travel» туристик компанияси директори Ж. Санақулов** маъруза қилди. Унда Ўзбекистон жуда улкан тарихий-маданий мерос — 90 фоизи Буюк Ипак йўлининг тарихи билан ажралмас ҳолда бирлашиб кетган кўп асрлик тарих ва маданиятни ўзида акс эттирадиган 4 мингдан ортиқ тарихий-меъморий обидага эга экани таъкидланди. 2004 йилдан буён Самарқандда Ипак йўли бўйлаб туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг бўлими фаолият юритмоқда.

У, шунингдек, Ўзбекистонда ўрта асрларда Ислом динининг қандай бўлганидан дарак берувчи, ўзининг меъморий-бадиий қиёфасини йўқотмаган ёдгорликлар эвазига туризмнинг тарихий-маърифий, маданий ва диний йўналишлари муваффақият билан ривожланаётганини қайд этди.

Таъкидландики, Ўзбекистонга саёҳат қилувчилар орасида туристлар сони жиҳатидан доимий устунликни қўлдан бермай келаётган мамлакат Франциядир. Бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мазкур мамлакатдан сайёҳлар сони камайгани йўқ, боз устига, бу йил уларнинг миқдори янада ошиши кутилмоқда.

Тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ҳақида фильм намойиш этилди ҳамда мамлакат санъат усталари иштирокида ўзбек мумтоз мусиқалари концерти ўтказилди.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот ва ўзбек созандаларининг концерти ҳақида баъзи иштирокчилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Франциялик меъмор ва ҳайкалтарош **Мирзо Морик**нинг фикрига кўра, сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот ёрқин ва ажойиб тарзда ўтди. У шунингдек, ўзбек мусиқачилари концерти ва мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган фильм ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу тақдимот туфайли Ўзбекистондек ўзига хос мамлакат билан танишганимдан бахтиёрман. У мени гўзаллиги ва одамларининг хушчақчақлиги билан мафтун этди, — дейди Мирзо Морик.

— Ҳозирча мамлакатингизда бўлганим йўқ, бироқ ундаги афсонавий шаҳарлар ҳақида кўп эшитгандим. Бугунги тақдимотдан сўнг, албатта, у ерга бориш, Самарқанд ва Бухоронинг кўк ҳамда мовий гумбазлари гўзаллигини ўз кўзим билан кўриш истаги туғилди. Ўзбекистон халқига, гўзал мамлакатингизни, маданиятингизни, илдизингиз, анъана ва урф-одатларингизни асранг, дейишни истардим.

**Танзания Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили Ҳасан Умар Гумба Кебело,** жумладан, қуйидаги мулоҳазаларни билдирди: «Ўзбек халқининг қалб қаъри ва маданиятининг бойлигини ҳис этган ҳолда, ушбу кеча менда катта таассурот қолдирди. Менга бир пайтлар, ҳали у собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврда Ўзбекистонга бориш имконияти насиб этган. Бироқ тақдимотда мен кутганимдан ҳам ортиқ афзалликларни кўрдим. Мамлакатингизнинг тарихий шаҳарлари, қадимий Самарқанднинг гўзаллиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Меҳмонларнинг бир овоздан келган хулосаларига кўра, тақдимот жуда ҳам маълумотларга бой, изоҳлар билан тўлдирилган ва мазмунли бўлди. Қадимий ўлкангизга яна бир бор бажонидил борган бўлардим».

**Франциянинг Шарқ тиллари ва тамаддунлари институти Марказий Осиё тарихи профессори Катрин Пужол**нинг қайд этишича: «Тақдимот жуда ажойиб бўлди. Шу даражада таъсирландимки, менда Ўзбекистонга яна бориш истаги уйғонди. Бу каби учрашув ва тақдимотлар, шубҳасиз, Францияда Ўзбекистоннинг бой маданий мероси ва сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга хизмат қилади. Биз ушбу ранг-барангликни асрашимиз ва келажак авлодларга етказишимиз керак».

— Биз "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг кўп йиллик ҳамкоримиз, — деди **«Banani Travels» компанияси директори Энайет Кази Улла.** — Ўзим Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман. Бизнинг фаолиятимизда мамлакатимиз ўзининг афсонавий тарихий шаҳарлари, бой анъана ва урф-одатлари билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шуни ишонч билан айтишим мумкинки, европалик сайёҳлар, айниқса, французлар Ўзбекистонга саёҳатлари давомида мазкур гўзал мамлакатни ўзлари учун кашф этар экан, улкан таассуротларни бошдан кечиришади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатингиз ўзбек халқининг бой меросини асраш ва янада бойитиш, янги, энг юқори замонавий талабларга жавоб бера оладиган сайёҳлик инфратузилмасини яратиш бўйича мисли кўрилмаган чора-тадбирларни қабул қилди.

Бугунги тақдимот бизга янада кўпроқ завқ-шавқ бағишлайди ва Ўзбекистондан Европа бозорига сайёҳлик тур ва йўналишларини илгари суриш истагини уйғотади.

**«Ste RPTA» компанияси бош директори Леон Багдасарян**: «Мен Ўзбекистонга биринчи марта бундан ўттиз йил бурун борган эдим. Ўшандан буён мен мамлакатингиз, ажойиб одамларингиз ва тарихий обидаларингиз мафтуниман. Мен касбий фаолиятим сабабли 1993 йилдан бошлаб "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Францияда тижоратлашуви ва фаолиятининг ривожига ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман. Сўнгги йилларда Ўзбекистонга тўғридан-тўғри авиарейслар орқали йилига 10-15 минг франциялик парвоз қилмоқда. Улар ўз уйларига Ўзбекистон, унинг диққатга сазовор жойлари ва бетакрор меҳмондўстлигидан олган бой таассуротлару чексиз ҳайратлар билан қайтишади".

**«Жаҳон» АА.**
Париж

*Миллий банк:*

# КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки («Ўзмиллийбанк») бир йўла учта заём облигациялари эмиссиясини амалга оширди. Умумий ҳажми рекорд миқдор — 100 млрд. сўмни ташкил этадиган ушбу облигациялар ҳар бирининг номинал қиймати бир миллион сўмдир. Шу маънода, бу эмиссия Ўзбекистондаги оммавий корпоратив қарзлар бозорида энг катта воқеа бўлди, дейиш мумкин.***

Банк эмиссияни муддатлар ва купонли даромадлар ставкалари бўйича уч қисмга бўлди:

- 35 млрд. сўм ҳажмидаги тўрт йиллик облигациялар. Чораклик купон ҳажми — йиллик 9 фоиз;
- яна шу суммадаги етти йиллик нашр. Унинг ставкаси — йиллик 10,5 фоиз;
- 30 млрд. сўм ҳажмида ўн йилга чиқарилган облигациялар. Улар бўйича даромад йиллик 12 фоизни ташкил этади.

Шундай қилиб, банк ўз инвесторларига улар қимматли қоғозларнинг сўндирилишини кутган ҳар бир қўшимча йил учун йиллик 0,5 фоиз даромадни таклиф этади. Нашр ҳажми катталиги ва унга очиқ обуна эълон қилингани кенг доирадаги хилма-хил инвесторлар жалб этилишини кафолатлайди. Бу эса, келгусида иккиламчи бозорда етарли даражадаги ликвидликни таъминлаш имконини берадики, айни шу жиҳат ўта муҳимдир. Сабаби, облигациялар иккиламчи муомалага биржа бозорига ҳам, биржадан ташқари бозорга ҳам чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказидан олинган маълумотларга қараганда, мазкур эмиссия мамлакатимизда облигациялар муомалада бўлиб келаётган бутун давр мобайнидаги энг катта ҳажмни, яъни чиқарилган барча корпоратив облигациялар ялпи ҳажмининг қарийб 47,5 фоизини ташкил этади. Унинг ҳозирги кунда муомалада бўлиб турган заёмлар умумий ҳажмидаги улуши эса 81,6 фоизга етади. Айни пайтда банк чиқарган облигацияларни ҳисобга олганда, саккиз номдаги корпоратив облигациялар муомалада бўлиб турибди. «Ўзмиллийбанк» облигациялари (100 млрд. сўмлик учта нашр), «Капиталбанк» ОАТБ (7 млрд. сўмлик иккита нашр), «Ҳамкорбанк» ОАТБ (8 млрд. сўм), «Ипак йўли банки» ОАИТБ (5 млрд. сўм) ҳамда «Дори Дармон» АК облигациялари (2 млрд. сўм) шулар сирасига киради. Умуман олганда, муомаладаги облигацияларнинг умумий ҳажми 122,5 млрд. сўмни ташкил этади. Шундан 2 млрд. сўмлиги 2010 йил мобайнида сўндирилади. «Ўзмиллийбанк» чиқарган облигацияларнинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, ҳозир тўрт йиллик облигацияларни сўндириш санасининг энг яқини ҳисобланади, бинобарин, ўртача муддатли истиқболни мўлжаллаб иш тутаётган инвесторлар айни шу эмиссияни танлайдилар.

Ўзбекистондаги корпоратив облигациялар заёмларидан фойдаланиб келинган барча йиллар мобайнида умумий ҳажми 210,5 млрд. сўмни ташкил этувчи 123 та эмиссия амалга оширилган. Уларнинг 13 млрд. сўмлик 2 та нашри ўтган йили рўйхатга олинди.

Қуйида келтирилаётган диаграммалардан кўриш мумкинки, облигацион

**Молия муассасаларида**

заёмлар банклар орасида, айниқса, кенг оммалашган. Яъни бутун бозорнинг қарийб 65,9 фоизи улар улушига тўғри келади. Ҳатто «Ўзмиллийбанк» нашрларини ҳисобга олмаганда ҳам, уларнинг улуши энг кўп бўларди. Шунингдек, retail гуруҳига кирувчи савдо компаниялари ва корхоналарининг нашрлари эътибор қозонмоқда. Бу компаниялар доимий равишда айланма маблағларга эҳтиёж сезишган ва илгари қимматли қоғозларнинг ушбу туридан фаол фойдаланиб келишган.

Облигациялар бозорининг уларни жойлаштириш муддатлари бўйича тузилишига келсак, бу ўринда шуни таъкидлаш кераккки, 2007 йилга қадар бозорда узоқ муддатли облигациялар нашрлари амалда мавжуд бўлмаган. Бироқ банклар фаоллашгани сайин бозорда 10 йилгача муддатга мўлжалланган қимматли қоғозлар пайдо бўла бошлади. «Ўзмиллийбанк» облигациялари чиқарилганидан сўнг узоқ муддатли облигациялар улуши бозордаги умумий ҳажмнинг 65,4 фоизига етди. Лекин агар улар ҳисобга олинмаса, бу кўрсаткич 24,5 фоизга тушиб қолади.

Яна бир муҳим ҳолат шуки, бозорнинг ликвидлигини ошириш ва нашрнинг инвесторлар учун жозибадорлигини кучайтириш мақсадида банк томонидан облигацияларнинг бир қисмини узоқ муддатли сотиб олиш тизими белгиланди. Барча нашрлар бўйича даврлар ва ҳажмлар турлича бўлиб, улар қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этади:

- 13-чораклик даврдан бошлаб инвесторлардан нашр ҳажмининг 50 фоизгача бўлган қисмини сотиб олиш учун буюртманома тақдим қилинади;
- иккинчи эмиссия бўйича 13, 17, 21 ва 25-даврлардан бошлаб эмиссия ҳажмининг 25 фоизгача миқдорида буюртманомалар қўйилади;
- ўн йиллик нашр инвесторлари облигациялар муомалада бўладиган муддатнинг 21, 25, 29, 33 ва 37-фоиз давридан бошлаб уларни сотиб олиш имконига эга бўладилар ва бу облигациялар нашр умумий ҳажмининг 20 фоизигача етади.

Облигацияларнинг даромадлилик ставкаларини кўриб чиқар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда купонли тўловлар ставкаларининг пасайиш тенденцияси кучаймоқда. Агар илгари улар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кўпроқ миқдорни ташкил этган бўлса, охирги икки нашр юқоридаги ставка билан бир хилда чиқарилди. «Ўзмиллийбанк» нашрининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, 2005 йилдан буён илк маротаба нашр купонли тўловнинг қатъий белгиланган ставкаси билан амалга оширилди. Ҳолбуки, бошқа нашрлар Марказий банк қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига боғлиқ қилиб қўйилган эди. Бунга, табиийки, бир томондан, банклар орасида етакчилик қилиб келаётган Миллий банкнинг юксак даражадаги ишончлилиги, иккинчи томондан, бозорнинг барқарорлиги сабаб бўлди.

«Ўзмиллийбанк» Moody's Investor Service (Ba3/NP/E+), Standard&Poor's (B/Барқарор/B) ва Эксперт РА компанияларининг (А — юксак) рейтингларини олган. Облигациялар нашри ушбу компаниялар ёзадиган ҳисоботларнинг банк молиялаш манбаларини диверсификациялаш қисмида ижобий баҳоланиши мумкин.

**«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.**

**Чиқарилган облигацияларнинг тармоқлар бўйича тузилиши**




**Чиқарилган облигацияларнинг муддатлар бўйича тузилиши**




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлгач, уларга қўшимча моддий манба яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан 2004 йил 21 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига асосан, сиз жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий равишда иштирок этаётган бўлсангиз, пенсия ҳисобварақларидаги жамғармангизни янада ошириш имкониятига эга бўлишингиз мумкин.

Бунинг учун сиз жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ихтиёрий равишда аъзо бўлишингиз ёки қўшимча тарзда ихтиёрий равишда маблағ киритишингиз лозим. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ихтиёрий иштирокчиларининг ҳисобварақлари бўйича иккинчи ютуқлар тиражи 2010 йил 5 февралда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА МАБЛАҒЛАРНИНГ САҚЛАНИШИ ВА ТЎЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН.

Мурожаат учун телефон: (8-373) 224-59-28.

Хизматлар лицензияланган. Лиц. № 25. 25.01.2003.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ инглиз тили, математика ва физика фанларидан тайёрлов курсларига таклиф этади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (+998-97) 462-96-52.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим **Мамади РАҲМОНОВ (Муҳаммад РАҲМОН)нинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси ўқув ишлар бўйича проректор Баҳодир Ходжаевга опаси **Қундуз ХОДЖАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ГРЕЦИЯДА КУРАШ БАЙРАМИ

***Грециянинг Салоники шаҳри жорий йилнинг илк кураш мусобақасига мезбонлик қилди. Юртбошимиз, Кураш Халқаро Ассоциацияси фахрий президенти Ислом Каримов халқаро турнирида дунёнинг ўттиз давлатидан келган 100 нафардан ортиқ полвон 73, 90 кг. ва мутлақ вазн тоифасида гиламга чиқдилар.***

**Хушхабар**

Грецияда ўтказилган нуфузли турнирга мазкур мамлакат Кураш ассоциацияси ташаббуси билан бундан олти йил муқаддам асос солинган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз раҳнамолигида жаҳон спорт майдонига чиққан миллий қадриятимиз — ўзбек кураши қисқа вақт ичида ўз ишқибозларини топди. Олимпиада ватани — Грецияда яхши ниятлар билан бошланган турнир мавқеи ҳам йилдан-йилга ошиб бораяпти. Буни қатнашувчи давлатлар сони кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади.

Халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар Олимпиада ўйинлари қаторига кириш учун дадил интилаётган курашимиз ривожига омад тиладилар.

Мусобақага мураббий Олим Ҳайитов бошчилигида тўрт нафар полвонимиз жўнаб кетган эди. Улардан икки нафари юртимизга медаллар билан қайтадиган бўлди. Айниқса, 90 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Шароф Холмаматов энг яхши кўрсаткичга эришди. Сурхондарёлик полвон финалда грециялик тажрибали курашчи Моисис Илиадисни енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. У ўтган йили Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам ўз вазн тоифасида ғолиб чиққан эди. Яна бир вакилимиз Азиз Темиров эса бронза медали билан кифояланди. Мутлақ вазн тоифасида Василиос Илиадис (Греция) биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Дионисис Илиадис (Греция), учинчи ўрин эса Алихон Султонов (Қозоғистон) ва Год Жавахадзе (Грузия)га насиб этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

***Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида ҳуқуқий-демократик жамият қуриш жараёнини янада жадаллаштириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига қаратилган муҳим вазифалар ўз ифодасини топди. Юртбошимиз бу борада таълим-тарбия масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.***

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

**Ифтихор**

Дарҳақиқат, мамлакатимиз таълим соҳасида ҳавас қилишга арзигулик ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа давлат дастурлари асосида ушбу йўналишда ҳам ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Буни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида мазкур институтнинг мақоми давр талабларига мослаштирилди. Даставвал таълим даргоҳимиз кооператив институти номида эди. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари эътиборга олиниб, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги қарорига асосан, институтга Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мақоми берилди.

Ҳозирги кунда институтимизда 214 нафар профессор-ўқитувчи 2000 дан зиёд талабага сабоқ бермоқда. 15 та таълим йўналиши ва 6 та мутахассислик бўйича бакалавр ҳамда магистрлар тайёрланмоқда. Институтимизда хизмат соҳалари бўйича "Иқтисодиёт", "Молия", "Банк иши", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Суғурта иши", "Ғазначилик иши", "Туризм менежменти", "Туризм маркетинги" каби бир қатор таълим йўналишлари мавжуд. Ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларни кенг қўллаш, уни амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мутахассислик кафедралари туризм ва меҳмонхона мажмуаларида ўзларининг филиалларига эга. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрланиб, нашр қилинди.

Институтимизда туризм ва сервисни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари изчил олиб борилмоқда. Жамоада "Иқтисодий таҳлил", "Молия", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Маркетинг" соҳалари бўйича илмий мактаблар шаклланган. "Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти" ихтисослиги бўйича диссертацияларни ҳимоя қилиш учун ихтисослашган Кенгаш фаолият олиб бормоқда. Институтимиз педагог-олимлари доимий равишда чет элларда ўзларининг касбий маҳоратларини ошириб келмоқдалар. Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, таълим даргоҳимизда алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, шунга кўра, ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Ёшларимиз орасида ўз иқтидорини намойиш этиб, эътирофга сазовор бўлганлари кўп. Уларнинг сафида нуфузли стипендиатлар, халқаро ва республика фан олимпиадалари ғолиблари бор. Биргина мисол, институтимиз қошидаги 1-сонли академик лицейда таҳсил олган Диёра Салимова математика фани бўйича Испания ҳамда Германияда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон олимпиадаларида иштирок этиб, бронза ва кумуш медалларига сазовор бўлди.

Кейинги йилларда институтимизга қабул қилинаётган талабалар таркибида қишлоқ ёшларининг салмоғи ошиб бормоқда. Уларнинг ҳар томонлама билим олишлари ва баркамол авлод бўлиб етишишлари учун бу ерда барча имкониятлар мавжуд.

**Б**из, ўқитувчиларнинг келгусидаги асосий вазифамиз таълим йўналишларининг ўқув режаларига янги фанларни киритиш, назария билан амалиётни уйғунлаштирган ҳолда, замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлаш, илғор педагогик технологиялар ва усулларни кенг жорий этишдан иборатдир. Буларнинг барчаси эртамиз эгаларининг ёрқин келажаги, пировардида мамлакатимизнинг порлоқ истиқболи учун хизмат қилади.

**Ҳасан МУСАЕВ,**
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошқаруви раиси А. Алимов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштиришда миллий ўзликни англаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини муттасил қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юртимизда оммавий ахборот воситалари учун қулай шароит ва имконият, зарур ҳуқуқий кафолатлар яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги кенг кўламли ишлар бунинг далилидир. Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва изчил ривожлантириш жараёнида нодавлат электрон, босма оммавий ахборот воситаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи ва уларнинг қамров доираси тобора кенгайиб бораётгани, улар замонавий электрон ва телекоммуникация воситалари билан таъминланаётгани бунинг далилидир. Айни пайтда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Йилнинг энг фаол журналисти», «Олтин қалам», «Энг улуғ, энг азиз», «Келажак овози» каби кўрик-танловлар иқтидорли журналистларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари даъват этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида изланаётган умидли ёшларни аниқлаш, улар фаолиятини давр руҳига монанд ташкил этишга яқиндан кўмаклашиш мақсадида турли ижодий лойиҳалар, грант-дастурлар, семинар-машғулотлар, анжуманлар, кўрик-танловлар, маҳорат сабоқлари, малака ошириш курсларини ташкил этиш анъанага айланган. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар, пойтахтимизда ташкил этилган ҳудудий нодавлат телерадиостанциялар, ёшлар студиялари юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, ёшлар ҳаёти, фаолияти, уларнинг эзгу орзу-интилишларини халқимизга етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида иқтидорли ва қобилиятли ёшларнинг ўз ижодий, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тармоғини янада ривожлантиришга оид муҳим вазифалар белгиланган.

Медиафорумда таъкидланганидек, бу борадаги вазифаларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш, ёш ижодкорларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган янги лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Медиафорумда 2009 йилда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга оид лойиҳалар якуни бўйича грантлар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

**Иқлим**

Ҳижрий-шамсий йил тақвимига кўра, ҳозир айни далв ойи. У қиш билан кўкламни боғлагани боис табиати ҳам икки хил. Баъзи йилларда ёғингарчилик кўп бўлиб, қишнинг ҳукмида қолса, бошқа йилларда нисбатан илиқ келиб, баҳор фаслига ўтиб кетади.

# ҚИШНИНГ ОХИРГИ ОЙИ

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, қиш қанчалик совуқ келмасин, қантар оғгач, кунлар иссиқлик сари юз тутаверади. Бу февралнинг бошига тўғри келади. Гап шундаки, бу пайтга келиб, тўқсоннинг ярми ўтиб, қаҳратонли кунлар ортда қолади. Халқимиз айтганидек, "қантар оғса, қор турмас".

Дарҳақиқат, далвнинг иккинчи ярмида ер остига иссиқлик киради. Гарчи қор ёғса-да, совуқ забтига ололмайди. Зумда эриб кетади. Офтоб тафти таъсирида заминдан бамисоли тутундек буғ кўтарилади. Ер остидаги ҳарорат юзага уради-да. Шу тариқа табиат уйғона бошлайди. Дарахтлар танасига сув югуриб, тол ва теракларнинг куртаги бўрта бошлайди. Баъзи йилларда ҳатто бодом ва ўрикнинг гуллаши ҳам рўй беради.

Чорвадорлар қантардан сўнг қиш чиқди, деб ҳисоблайдилар. Нега деганда, бу йилдагидек нисбатан илиқ келган йилларда айни чоғда далалар сабзаранг тусга кириб, чорва оғзи кўкка тегади. Халқимизнинг "Далв кирди — давр кирди" деган мақолида ана шунга ишора қилинган, назаримизда. Чунки чўпон-чўлиқлар шу пайтдан эътиборан отарларни яйловларга чиқариб, қўйларни яйратади. Қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрадилар.

Далвнинг яна бир хусусияти шундаки, бу ойда куннинг узайиши давом этади. Кунига ўртача 4-5 дақиқадан қўшилиб, ой охирида кун узунлиги 11 соату 15 дақиқани ташкил этади.

Далвнинг ҳар дақиқасидан, айниқса, деҳқону боғбонлар самарали фойдаланиб қолиш пайида бўладилар. Сабаби, кўклам эшик қоқиб турибди, экин-тикин мавсуми яқин. Бундай пайтда зарур техника воситаларини мавсумга шай қилиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини ҳозирлаш каби юмушларни асло пайсалга солиб бўлмайди. Чунки қулай фурсат бўлиши билан замин экишга тайёрланади, ерга уруғ тушади. Бир кун бўлса-да, олдин қадалган уруғнинг хосияти беҳисоблигини эса тажрибали деҳқонлар яхши биладилар.

**Р. САИДОВ тайёрлади.**

# ТАШАББУСГА УНДАЁТГАН ҒАМХЎРЛИК

***Ғиждувон туманидаги "Армечан" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қишлоқ врачлик пункти қисқа муддат ичида вилоятдаги энг намунали шифо масканларидан бирига айланди. Ваҳолонки, бундан бир йил муқаддам мазкур бино таъмирталаб, кўримсиз аҳволда эди.***



**Тиббиёт**

**А**йниқса, шифокорлар ва беморлар учун шарт-шароитнинг умуман қониқарсиз бўлганлигини айтмайсизми?! Дилда ҳавас, иштиёқ, интилиш бўлса, ҳар қандай ишни ҳам амалга ошириш мумкин экан. Ака-ука фермерлар Исоқул ва Мирзоқул Ўриновлар ён-атрофда яшовчи тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, қишлоқ шифо маскани биносини таъмирлашни ўз зиммаларига олдилар. 16 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, уни кўркам қиёфага келтирдилар. Тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш масаласида эса Бухоро давлат тиббиёт институтининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди Мусо Ўриновнинг тажрибаси қўл келди.

— Ўзим туғилиб ўсган қишлоқдаги шифо масканини қўллаб-қувватлашни эл олдидаги бурчим, деб ҳисоблайман, — дейди вилоятда қўли енгил шифокор сифатида ҳам танилган олим. — Институтимиз қишлоқ врачлик пунктларидан ўнтасини намунавий масканга айлантириш мақсадида оталиққа олган эди. 2009 йилда шу мақсад амалга ошди.

Кўплаб хайрли ишлари билан эл-юрт ҳурматини қозонган ака-ука фермерлар Баркамол авлод йилида яна бир эзгу юмушга қўл уришган. Улар собиқ ширкат хўжалиги маъмурий биносини реконструкция қилиб, Саломатлик маркази барпо этиш ниятидалар.

Ўтган йили Шофиркон туманидаги "Искогаре" қишлоқ врачлик пункти ҳам намунали шифо масканларидан бирига айланди. "Саломатлик — 2" лойиҳаси талаблари асосида таъмирланган, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу маскан шаҳар шифохоналаридан сира қолишмайди.

— Институтимизнинг кўзга кўринган шифокор-олимлари бу ерга тез-тез келиб, беморларни тиббий кўрикдан ўтказишади, врач ва ҳамшираларга амалий ёрдам беришади, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институтининг Болалар касалликлари ва неонатология кафедраси мудири Шакар Наврўзова. — Бу ҳамкорлик яхши самара келтираётир. Муҳими, мазкур хайрли иш давом этмоқда. Чунончи, Баркамол авлод йилида Шофиркон туманидаги "Негкиши" қишлоқ врачлик пунктини ҳам оталиққа олиб, уни энг намунали қишлоқ шифо масканига айлантириш юмушларини бошлаб юбордик.

Ҳа, ҳозир вилоятнинг қайси қишлоғига борманг, эл саломатлиги масаласига катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўласиз. Ҳатто, энг чекка ҳудудларда ҳам аҳоли учун тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб бораяпти.

**Д**арҳақиқат, қишлоқ врачлик пунктларининг кўркам, замонавий биноларга эга бўлаётгани, энг сўнгги русумдаги тиббий техника воситалари билан таъминланаётгани, олимлар ва қишлоқ шифокорларининг ҳамкорлиги эл саломатлиги муҳофазасида жуда катта аҳамият касб этаяпти. Биргина 2009 йилда шаҳар ва туман марказларидан олисдаги қишлоқ шифо масканлари 15 та "Дамас" русумли машина билан таъминланди, "Тез ёрдам" хизматига вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ҳомийлар томонидан 11 автоулов ажратилди. Йигирмата қишлоқ врачлик пункти эса энг намунали шифо масканига айлантирилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон саломатлигига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганининг самарасидир, албатта.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

*Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган "Энг яхши Меҳрибонлик уйи" республика кўрик-танловида биринчи ўринга лойиқ кўрилди.*

# ЭНГ ЯХШИ МЕҲРИБОНЛИК УЙИ

Шунингдек, мазкур муассаса ходими Ширин Ғойибова "Энг яхши тарбиячи" эътирофига сазовор бўлди.

Таъкидлаш керакки, замонавий тарзда реконструкция қилинган мазкур Меҳрибонлик уйида бугун 105 нафар боланинг таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган.

**Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




30R/1835

*Эстрада хонандалари диққатига!*

«ЎЗБЕКНАВО»
ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ

*«Наврўз — 2010» умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш ҳамда 2010 йил — Баркамол авлод йилига бағишлаб миллий қадриятларимизга хос ва мос бўлган, миллий оҳангларга, эзгулик, меҳр-муҳаббат, инсонийлик туйғуларига йўғрилган, она-табиатни, гўзалликни, баҳор фаслининг нафосатини ўзида акс эттирган янги қўшиқларни қабул қилади.*

*Тақдим этилаётган қўшиқлар CD дискда ёзилган бўлиб, матни, муаллифи, ижрочиси ҳақидаги тўлиқ маълумот билан бирга топширилади. Барча хонандалар ҳамда ҳудудий бўлинмалар орқали олинган янги қўшиқлар тўплами бирлашмада кўриб чиқилади ва энг яхши қўшиқлар республика миқёсида ўтказиладиган Наврўз байрами тантаналари дастурига киритилади ҳамда махсус совға билан тақдирланади.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй («Туркистон» концерт саройи), «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси.**
**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 239-86-57, 235-52-80, 234-50-99.**

65R/109


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5